

Камолитдин қорининг ҳаёт йўли



15:30 / 29.03.2022 2694

Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонлик кўплаб ҳамюртларимиз урушга, фронтга олиб кетилган. Хусусан, Наманган шаҳридан ҳам кўплаб йигитлар фронтга сафарбар қилинди. Бу сафарбарлик Камолитдин қори домлани ҳам четлаб ўтмади. Фронтда кўплаб ҳамюртларимиз халок бўлди. Омон қолганлари эса майиб-мажруҳ бўлиб ўз она юртларига қайтишди. Шулар ичида бир оёғига ўқ тегиб мажруҳ бўлган Камолитдин қори домла ҳам уйга қайтдилар. Камолитдин қори домла фронтда жасорат кўрсатиб, қаҳрамон бўлдилар. Ҳукумат кўрсатган қаҳрамонликларини тақдирлаб, бир нечта орден ва медаллар ҳамда «Запарожец» автомашинасини берди. Қизиғи, ҳазрат қори домла бу мукофотларни ҳеч бирини олмай, мен юртимни, динимни ва оиламни шаънини ҳимоя қилиш учун хизмат қилганман деган эканлар.

Камолиддин қори 1903 йили Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Хайдаробод маҳалласи (ҳозирги Қўқон кўчаси)да ҳунарманд оиласида дунёга келди. Қиблагоҳи Умрзоқ ота илм аҳли ва Қуръон аҳллариини ўзига дўст тутган тақводор ва ибодатгўй киши бўлган.

Камолиддин қорининг отаси Умрзоқ ота 1906 йили вафот этади. Натижада, барча оила ташвиши онаси Зухраҳон ойим (ваф.1957) зиммасида қолади. Камолиддин ўша кезлари ҳали 3 ёшга ҳам тўлмаган бола эди. Онаси ўғлининг таълими ва одоб ахлоқини қаттиқ назоратга олади. Мавлоно Камолиддин дастлабки диний таълимни оила муҳитида олади. У ғоят зийрак ва илмга ташна бола бўлиб улғаяди. Онаси ўғлидаги илмга бўлган муҳаббатни кўриб, уни Сардоба даҳасидаги «Маржомма» қорихонасига ўқишга беради. У ерда Камолиддин ўша даврининг машҳур Қуръон ҳофизи Абдулғофур маҳдумдан сабоқ олиб, 15 ёшида жарангдор ва ёқимли овоз соҳиби бўлган Қуръон ҳофизи бўлиб етишади. Камолиддин қори Қуръон билан хулқланган, ҳалим, нозиктаъб ва гўзал хулқ соҳиби бўлиб камол топади.

Кейинчалик, Камолиддин қори Янгиқўрғонлик Абдулмўмин қорининг қизлари Заҳроҳон ойим билан турмуш қуради ва маълум муддат Янгиқўрғон районидаги «Редивон» қишлоғида яшаб, у ердаги масжидда имом бўлиб, илм зиёсини тарқатади.

Камолиддин қори домланинг яшаган вақти шўролар даврига тўғри келади. Ҳеч кимга сир эмаски, бу даврда диний сабоқ бериш ва таълим олиш амримаҳол бўлган. Аҳли илмларимиз коммунистлар чақуvidан қўрқиб, диний таълим беришга журъат эта олмаганлар. Ана шундай пайтларда ҳам Камолиддин қори домла илм-маърифат улашишдан тўхтамади. Камолиддин қори шогирдларига эшикни маҳкам ёпинглар, Аллоҳим ўзи асрайди деб, доимо уйларида 10-15 нафар болаларга Қуръони Карим ва одоб-ахлоқдан таълим берган эканлар. Ўша пайтда Камолиддин қори домладан таълим олган кишилар ҳофизи Қуръон бўлишмасида, 5-6 пора сурани ёд олган, Қуръони Каримни тажвид билан ўқийдиган кишилар бўлиб етишдилар. Ҳозирги кунда ушбу шогирдлари ёшларга панд-насихат берадиган маҳалла оқсоқоллари бўлиб, умргузаронлик қилиб келишмоқда. Шогирдлари Камолиддин қори домлани доимо фахр билан эслаб, ҳақларига дуойи хайрлар қилишади.

Жумладан, шогирдларидан бири устоз Камолиддин қори домлани шундай хотирлайди: «Устозим раҳматли қори домланинг бўйлари паст, юзлари буғдойранг, соқоллари сийрак киши эдилар. У зот доимо суннатга

мувофиқ, бошларида салла (ёки белбоғни салла қилиб олар), устларида узун тўн ва оппоқ яхтак, оёқларида эса маҳси кавуш бўларди. Қори домла Қуръони Каримни шундай бир гўзал савтда, тажвид ва тартил қоидаларига амал қилган ҳолатда ўқир эдиларки, эшитган тингловчи тиловатни тугатмаса дер эди. Аммо ўзлари ҳам ҳеч қачон кам оят тиловат қилмас эдилар. Тиловат қилганларида ҳам бир саҳифадан кам бўлмас эди. Овозлари шундай жарангдор эдики, уйдаги, даҳлиздаги ҳатто, ташқаридагилар ҳеч қандай овоз узатгичларсиз бемалол эшитар экан. Қори домлани зиёратларига келган кишилар у зот билан суҳбатлашиб, руҳий ва маънавий озуқа олиб қайтишарди».

Фарзандлари Аҳмадали ака оталари Камолиддин қори домлани шундай хотирлайди: «Отам раҳматлик Рамазон ойига жуда катта тайёргарлик кўрар эдилар. Ёшлик пайтимизда Рамазон ойи қиш ойига тўғри келарди. Отам кунига 5-6 порадан хатми Қуръонга имомликка ўтиб, тунги соат бир ёки иккида тугатар эдилар. Отам раҳматликни овозлари шу даражада жарангдор, ёқимли ва майин эдики, ортларидаги сомеъ кишилар чарчоқ нималигини билмасдик. Отам кўпинча кундузлари рўзадор ва кечалари намозларда қоим бўлардилар.

Ҳазрат Камолиддин қори домла 1972 йил 69 ёшларида оламдан ўтдилар. Уларни шаҳарнинг катта қабристони «Мангулик» мазорига дафн қилинди.

Камолиддин қорининг оиласи ва фарзандлари тўғрисида маълумот берсак. Қори домла Заҳрохон ойим (1909-2003) мулла Абдулмўмин қори (қатағон қурбони бўлган) қизи билан турмуш қурганлар. Бу оиланинг 4 нафар ўғил, 2 нафар қиз фарзандлари бор. Фарзандлари Жамолиддин (1934-2010), Баҳриддин (1947-2015), Фазлиддин (1954) ва Аҳмадали (1956) лар[1].

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов

[1] Ушбу маълумотлар ҳофизи Қуръон Камолиддин қори авлодларининг шахсий архивидан олинди.

